

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АФАКОВА МАЪМУРА ШУХРАТОВНА

ДОИМИЙ ТИШЛАРНИНГ ЧИҚИШИ ХАМДА МИНЕРАЛИЗАЦИЯ
ЖАРАЁНИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА КАРИЕС
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕРФЕРАТИ

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Афакова Маъмура Шухратовна

Доимий тишлар чиқишининг ҳамда минерализация жараёнини ҳисобга олган ҳолда кариес профилактикасини самарадорлигини ошириш3

Афакова Мамура Шухратовна

Повышение эффективности профилактики кариеса с учетом сроков прорезывания и минерализации постоянных зубов27

Afakova Mamura Shukhratovna

Improving the effectiveness of caries prevention, taking into account the eruption of permanent teeth, as well as the mineralization process.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....57

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АФАКОВА МАЪМУРА ШУХРАТОВНА

ДОИМИЙ ТИШЛАРНИНГ ЧИҚИШИ ХАМДА МИНЕРАЛИЗАЦИЯ
ЖАРАЁНИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА КАРИЕС
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕРФЕРАТИ

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълими, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Tib3193 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Муртазаев Саидмуродхон Саидалоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Хабибова Назира Насуллоевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шаковец Наталья Вячеславовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Беларусь Республикаси)

Етакчи ташкилот

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «27» май куни т. 1230 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. т./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (40 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2025 йил «15» май куни тарқатилди.
(2025 йил «15» май даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Ш.Т.Уроқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Казаква

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Б.З.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) оғиз бўшлиғи саломатлиги бўйича Глобал ҳисоботида кўра, «...дунё бўйлаб оғиз бўшлиғи касалликлари билан касалланган сони деярли 3,5 миллиард кишини ташкил этади ва уларнинг тўртдан уч қисми ўртача даромадли мамлакатларда яшайди. Ҳисоб-китобларга кўра, дунёда 2 миллиард одамда доимий тишлар кариеси, 514 миллион болада эса сут тишлари кариеси учрайди...»¹. Урбанизациянинг кучайиши ва яшаш шароитлари ўзгариши билан дунёда оғиз бўшлиғи асосий касалликларининг тарқалиши тез суратларда ўсмоқда.

Тиш кариеси тиш юзасига бляшка пайдо бўлади, унда эркин шакар (ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва истеъмол қилиш жараёнида озиқ-овқатга қўшилган барча шакар маҳсулотлари, шунингдек асал, сироп ва мева шарбатлари таркибидаги табиий шакарлар) кислоталарга айланади ва охирикват тишни шикастлайди. Эркин шакарни мунтазам равишда кўп истеъмол қилиш, фтор етишмаслиги ва тишларни ювишда уларнинг устидаги пилакча етарли даражада олиб ташланмаслиги натижасида кариес пайдо бўлади, бу оғриқни келтириб чиқаради ва баъзи ҳолларда тишларнинг емирилиши ва инфекция тушишига олиб келади.

Мамлакатимизда юқори технологияли стоматология ёрдамида касалликнинг клиник ва иммунологик хусусиятларига қараб, оғир COVID-19 да оғиз бўшлиғининг маҳаллий иммунитетни адаптив механизмларини ўрганиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги ва сифатини ошириш чоралари кўрилмоқда. Қуйидаги вазифлар «... тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммавийлигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усулларини амалиётга жорий этиш, патронаж ва диспансернинг самарали моделларини яратиш, соғлом турмуш тарзи ва касалликлар профилактикасини қўллаб-қувватлаш ...»² белгилаб. Бу борадаги муҳим вазифалардан бири COVID-19 нинг ўртача ва оғир шакли билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғидаги клиник ўзгаришларни баҳолаш, турли ёшдаги одамлар орасида оғиз шиллиқ қавати шикастланишининг характерли хусусиятларини аниқлаш ва касаллик пайтида оғиз бўшлиғи маҳаллий иммунитетининг гуморал омилларини ўрганиш ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар орасида касалликларга эрта ташҳис қўйиш, уларнинг асоратларининг частотасини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/oral-health>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 декабрдаги ПФ-5590 сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони Фармони. <https://lex.uz/docs/4096199>

ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»¹ вазифалари белгиланган. Ушбу режада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг вазифалари белгилаб берилган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон Фармони, 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сон Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4887-сон қарори, 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4891-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологик ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги ўн йилликларда эмал минерализациясининг бошланғич даражасини ўрганиш асосида болалик даврида доимий тишларнинг чиқишида кариеснинг пайдо бўлишини башорат қилиш ва индивидуал профилактик даволашнинг патогенетик механизмларини аниқлаш учун янги ёндашув ишлаб чиқилди. Дастлабки минерализацияси унинг келгусидаги эмал шаклланиш динамикасини белгилайди (Иванова Г.Г., Леонтьев В. К., Жорова Т.Н., 2023).

Кўпинча тиш чиқишидан кейинги биринчи йилда қаттиқ эмал тўқималарининг тўлиқ минерализацияси билан доимий моляр тишлар чайнов юзаларида кариесининг интенсив ўсиши кузатилади (Аврамова О.Г. 2022; Кисельникова Л.П. 2019).

Ҳозирги вақтда болаларда доимий тишларда қаттиқ тўқималарнинг шаклланиш хусусиятлари аниқланмаган. Минерализация босқичидаги доимий тиш ёриқлари анатомик хусусиятларининг кариес жараёнининг ривожланиши билан боғлиқлиги ўрганилмаган. Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ёриқларни герметизациялаш доимий тишларда ёриқлар пайдо бўлишининг олдини олади (Бородина Т. В., 2023; Holmgren C. J., Lo E. C., Hu D., 2023; Prathibha V., et al., 2019).

Доимий тишларнинг чиқиш боланинг физиологик ёшини аниқлаш учун муҳим кўрсаткич бўлиб, у тақвимдан атроф-муҳит шароитлари, ижтимоий ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

бошқа омиллар таъсирида, шунингдек ўтмишдаги касалликлар туфайли фарқ қилиши мумкин. Қишлоқ ва шаҳарларда яшовчи болаларда доимий тишларнинг чиқиш муддатларида фарқлар мавжуд. Чиқишнинг бошланиши ва охири тушунчалари маълум бир тоифадаги биринчи тишнинг пайдо бўлиш ёшига ёки унинг болаларда мавжудлигига, мумкин бўлган ретенция ёки адентияни ҳисобга олмаган ҳолда тенглаштирилади (Liu Y. et al., 2024; George B., et al., 2020).

Диссертация мавзусининг олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация ишини амалга ошириш Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ва мавзусига асосан режалаштирилган (№ 02.2023 PhD186) «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» илмий-тадқиқот режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасининг марказий худудларида яшовчи болаларда доимий тишларнинг чиқиши ва минераллашув вақтини ҳисобга олган ҳолда кариеснинг олдини олиш самарадорлигини оширишдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро ва Навоий вилоятларида яшовчи мактаб ёшидаги болаларнинг стоматологик ҳолатини ўрганиш;

Бухоро ва Навоий вилоятларида яшовчи болаларда доимий тишларнинг чиқиш вақтини ўрганиш;

Бухоро ва Навоий вилоятлари болаларида доимий тишлар минераллашув вақтларини ўрганиш;

Бухоро ва Навоий вилоятлари болаларига тишларининг чиқиши ва минераллашув вақтини ҳисобга олган ҳолда кариеспрофилактик чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва клиник самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2023-йиллар мобайнида Бухоро вилоят болалар стоматологияси базасида текширувдан ўтган 103 нафар, Навоий шаҳар кўп тармоқли поликлиникаси стоматология хонасида текширилган 107 нафар бемор олинган. Текширилган 210 нафар болалар 5-15 ёш оралиғида бўлиб, уларнинг 98 нафари ўғил болалар ва 112 нафари эса қиз болалар эди.

Тадқиқотнинг предмети тиши эмали, анкета натижалари, амбулатор карталар, болаларнинг даволаш натижалари, электрометрия маълумотлари ва статистик материалар.

Тадқиқот усуллари: Умумклиник текширув — анамнез йиғиш, ташқи кўрик. Стоматологик текширув, оғиз бўшлиғини текшириш, инструментал-электрометрия тадқиқотлари, Грина-Вермилион усули билан гигиеник индексни аниқлаш, папилло-маргино-альвеоляр индексини аниқлаш, кариеснинг интенсивлик индекси ва тарқалишини аниқлаш. Тадқиқот натижалари махсус компьютер дастурлари ёрдамида статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротоба Бухоро ва Навоий вилоятида яшовчи болалар орасидаги кариеснинг тарқалиши, интенсивлиги, юза кариес ҳамда (ОHI-S) индексининг худудлар кесимида кескин (19,3 баробарга) фарқ қилиши исботланган;

илк маротоба болаларда доимий тишлар чиқишининг физиологик жараёни пастки жағда олдинроқ ривожланиши ҳамда мазкур ҳолат болаларнинг 14 ёшида барча доимий тишлар чиқиши билан яқунланиши исботланган;

илк бор 7-15 ёшдаги болаларда қаттиқ тиш тўқималарининг минерализация жараёни босқичма-босқич содир бўлишининг турли минтақа ва болаларнинг жинсидан қатъий назар, тиш фиссураларида эмал минерализациясини тўлиқ яқунланмаганлиги исботланган;

илк бор мактаб ўқувчиларида фторидли "Белак-Ф" дан фойдаланилганда тиш фиссураси соҳасида эмалнинг электр ўтказувчанлигини ўртача 2,3 мартага ортиши аниқланиб, тишлардаги реминерализация жараёнлари ва кариес профилактикаси самарадорлигини оширилишига имкон бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

доимий тишлар эмал қавати минерализациясини ошириш ва кариеснинг комплекс профилактикасида фторлакдан фойдаланиш, тадқиқот натижалари гуруҳларига мансублиги ва ўрганилган тиш юзасига қараб реминерализация қилувчи воситаларни тавсия қилиш имконини берган.

қаттиқ тиш тўқималарининг чиқиши ва минерализацияси вақти ҳақидаги янги маълумотлар бизга бирламчи кариес жараёнининг вақтини аниқлаш ва башорат қилиш ва кариес профилактика чоралари комплексини тайинлаш учун энг мақбул вақтни ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал ва статистик усулларда қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан солиштирилганлиги, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлигига асосланади. Бундан ташқари, барча натижалар далилий тиббиёт принципларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тиш чиқиш муддатлари, тишларнинг қаттиқ тўқималари электроўтказувчанлигининг тиш чиқишидан сўнгги динамикадаги ўзгариши ҳақида янги маълумотлар кариес жараёнининг пайдо бўлиш муддатларини ва реминерализацияловчи воситаларни тайинлаш учун энг мақбул вақтни аниқлаш имконини берди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, эмальни тезроқ етилириш учун амалиётда турли фторли моддаларни қўллаш мумкин. Тадқиқот натижаларига асосланиб, тиш чиқиш муддатлари, гуруҳий мансублиги ва ўрганилаётган тиш юзасига қараб тишларнинг қаттиқ тўқималарининг етилишини тезлаштириш учун реминерализатор воситаларни тавсия қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник

кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича 2024 йил 26 ноябрдаги 09/46– сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк маротоба Бухоро ва Навоий вилоятида яшовчи болалар орасидаги кариеснинг тарқалиши, интенсивлиги, юза кариес ҳамда (ОHI-S) индексининг ҳудудлар кесимида кескин (19,3 баробарга) фарқ қилиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* доимий тишларнинг шаклланишини ўрганиш натижаларининг илмий аҳамияти фторнинг тиш саломатлигига таъсири ҳақидаги тушунчамизни кенгайтиришдан иборат. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (22.07.2024 й.; №71-сон) ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (15.07.2024 й.; №01-36-сон) клиник амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* доимий тишларнинг чиқиши ҳамда минерализасия жараёнини ҳисобга олган ҳолда кариес профилактикасини самарадорлигини баҳолаш олинган бевосита натижалар кариес бирламчи профилактикаси самарасини ишонарли даражада кучайтирувчи фторли “Белак-Ф” нинг етарлича юқори терапевтик таъсир қилганлигини аниқланган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Болалар орасида кариес тарқалишининг ўртача даражаси 60,0% ҳолатда қайд этилган, интенсивлиги ишонарли даражада юқори бўлган, енгил даражаси 9,7 баравар кам аниқланган, бу ўз навбатида асоратлар ривожланишини олдини олиш усулларида фойдаланиш учун имконини яратган бўлиб: беморнинг поликлиникада даволаниш муддатини 3 кунга қисқартириб, бюджет маблағларини 138000 сўмга қисқартириш имконини берган (БВСП нинг прејскурантига кўра 1 кун даволаниш 46000 сўмни ташкил қилади); поликлиникага ташриф қилиш бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 50000 сўм дори воситалари сарфланади). *Хулоса:* Болалар орасида кариес ривожланишини олдини олиш бюджет маблағларини 138000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: илк маротоба болаларда доимий тишлар чиқишининг физиологик жараёни пастки жағда олдинроқ ривожланиши ҳамда мазкур ҳолат болаларнинг 14 ёшида барча доимий тишлар чиқиши билан яқунланиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* тавсия этилаётган услубий тавсияномаларнинг иқтисодий самарадорлигига бемор болалар орасида доимий тишларнинг чиқиши ҳамда минерализасия жараёнини ҳисобга олган ҳолда кариес профилактикасини кучайтириш, стоматологик хизмат кўрсатишни амалга ошириш механизмининг ишлаб чиқилганлиги ҳисобига эришилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (22.07.2024 й.; №71-сон) ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (15.07.2024 й.; №01-36-сон) клиник амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Доимий тишларнинг чиқиши ҳамда

минерализасия жараёнини ҳисобга олган ҳолда кариес профилактикасини самарадорлигини баҳолаш олинган бевосита натижалар кариес бирламчи профилактикаси самарасини ишонарли даражада кучайтирувчи фторли “Белак-Ф” нинг етарлича юқори терапевтик таъсир қилганлигини аниқланган. Тавсия этилаётган услубий тавсияномаларнинг иқтисодий самарадорлигига бемор болалар орасида доимий тишларнинг чиқиши ҳамда минерализасия жараёнини ҳисобга олган ҳолда кариес профилактикасини кучайтириш, стоматологик хизмат кўрсатишни амалга ошириш механизмнинг ишлаб чиқилганлиги ҳисобига эришилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Тавсия этилаётган услубий тавсияномаларнинг иқтисодий самарадорлигига бемор болалар орасида доимий тишларнинг чиқиши ҳамда минерализасия жараёнини ҳисобга олган ҳолда кариес профилактикасини кучайтириш, стоматологик хизмат кўрсатишни амалга ошириш механизмнинг ишлаб чиқилганлиги ҳисобига эришилган бўлиб, бу ўз навбатида ривожланиш хавфи юқори бўлган асоратлар сонини кескин камайтирилиши имконини берган. *Хулоса.* бемор болалар орасида стоматологик хизматни амалга ошириш регламентининг қўлланилиши стоматологик касалликларни даволаш ва олдини олишни тизимлаштиради, улар стоматологик ҳолатини доимий назоратда тутиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: илк бор 7-15 ёшдаги болаларда қаттиқ тиш тўқималарининг минерализация жараёни босқичма-босқич содир бўлишининг турли минтақа ва болаларнинг жинсидан қатъий назар, тиш фиссураларида эмал минерализациясини тўлиқ яқунланмаганлиги амалиётда исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижаларидан тиш касалликларининг олдини олиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин, масалан, сувни оммавий флорлаш ва озик-овқат саноатида фторли тузлардан фойдаланиш. Бу, саломатлигини яхшилайдди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (22.07.2024 й.; №71-сон) ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (15.07.2024 й.; №01-36-сон) клиник амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Доимий тишларнинг шаклланишини ўрганиш натижаларининг илмий аҳамияти фторнинг тиш саломатлигига таъсири ҳақидаги тушунчамизни кенгайтиришдан иборат. Тадқиқот иши фториднинг тиш эмалига таъсир қилиш механизмларини ёритиши, фторланишнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолашга ёрдам беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* биринчи марта 7-15 ёшдаги болаларда қаттиқ тиш тўқималарининг минерализация жараёни босқичма-босқич содир бўлиши аниқланиши, ривожланиш эҳтимоли бўлган асоратларни олдини олиш имконини яратган. *Хулоса.* Тадқиқот иши фториднинг тиш эмалига таъсир қилиш

механизмларини ёритиши, фторланишнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолашга ёрдам берган.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор мактаб ўқувчиларида фторидли "Белак-Ф" дан фойдаланилганда тиш фиссураси соҳасида эмалнинг электр ўтказувчанлигини ўртача 2,3 мартага ортиши аниқланиб, тишлардаги реминерализация жараёнлари ва кариес профилактикаси самарадорлигини оширилишига имкон бериши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* мактаб ўқувчиларида тиш чиқишидан бошлаб кариеснинг олдини олиш мақсадида фторидли "Белак-Ф" дан фойдаланиш тиш фиссураси соҳасида эмалнинг электр ўтказувчанлиги ўртача 2,3 мартага ошиши ҳамда унинг реминерализация жараёнлари кучайиши имконини берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (22.07.2024 й.; №71-сон) ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (15.07.2024 й.; №01-36-сон) клиник амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* мактаб ўқувчиларида тиш чиқишидан бошлаб кариеснинг олдини олиш мақсадида фторидли "Белак-Ф" дан фойдаланиш тиш фиссураси соҳасида эмалнинг электр ўтказувчанлиги ўртача 2,3 мартага ошиши ҳамда унинг реминерализация жараёнлари кучайиши имконини бериб кариес профилактикасини самарали амалга ошириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* мактаб ўқувчиларида тиш чиқишидан бошлаб кариеснинг олдини олиш мақсадида фторидли "Белак-Ф" дан фойдаланиш тиш фиссураси соҳасида эмалнинг электр ўтказувчанлиги ўртача 2,3 мартага ошиши ҳамда унинг реминерализация жараёнлари кучайиши имконини бериб: болаларнинг поликлиникада даволаниш муддатини 3 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 138000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 150000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* мактаб ўқувчиларида тиш чиқишидан бошлаб кариеснинг олдини олиш мақсадида фторидли "Белак-Ф" дан фойдаланиш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 138000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 150000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда, хусусан, 2 таси халқаро ва 2 таси республика конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шундан 5 та мақола илмий журналларда, шу жумладан, 4 таси маҳаллий, 1 таси хорижий журналларда илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулосалар, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 129 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланади, вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий янгилик тавсифланади ва тадқиқотнинг амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилигини асослайди, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб беради. Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, ишнинг апробация натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича материаллар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинади. Адабиёт шарҳида болаларнинг кариес касаллиги, унинг клиник кўриниши ва касалликни қўзғатадиган кенг тарқалган омиллар таъкидланган. Бундан ташқари, доимий тишларнинг чиқишига таъсир қилувчи турли омиллар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари, тадқиқот объекти, предметлари ҳамда унда қўлланиладиган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқотни ўтказиш учун жами 210 нафар бола, 95 нафар ўғил ва 115 нафар қиз тиббий кўриқдан ўтказилди, шундан 103 нафар бола Бухоро вилоят болалар стоматологияси базасида, қолган 107 нафар бола Навоий шаҳар кўп тармоқли поликлиника стоматология бўлимида тиббий кўриқдан ўтказилди.

1-жадвалда текширилган болаларнинг жинсга боғлиқ гуруҳ тақсимоли маълумотлари келтирилган.

1-жадвал

Текширилган болаларнинг жинс бўйича тақсимоли

Бухоро				Навоий			
Ўғил. (I-A)		Қиз. (I-B)		Ўғил. (II-A)		Қиз. (II-B)	
Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
42	40,8	61	59,2	53	49,5	54	50,5

Тадқиқот давомида болаларга ва уларнинг ота-оналарига олиб бориладиган тадқиқот ва эмальнинг қатик тўқималарини минераллаштиришни яхшилаш бўйича даволаш ва профилактик тадбирлар ҳақида маълумот берилди ва улардан ёзма розилик олинди.


Тадқиқот учун танлаб олинган болалар илгари ҳеч қандай терапевтик ва профилактика тадбирларида қатнашмаган ва шикоятлар бўйича стоматология бўлимига ташриф буюрган. Шунингдек, тадқиқот давомида қўлланиладиган терапевтик ва профилактика чора-тадбирлар, хусусан, тишни даволаш ва қаттик эмал тўқималарининг минерализациясини яхшилаш бўйича маълумотлар берилди.

Диссертациянинг «**Доимий тишларнинг минерализацияланиш даражаси, стоматологик ҳолат ва доимий тишларнинг чиқиш вақти кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида мактаб ёшидаги болаларнинг

доимий тишларини чиқиш вақтлари, тиш саломатлигининг ҳолати, шунингдек, болаларда алмашадиган, аралаш ва доимий тишлар эмалини минераллашув вақтлари динамикасининг натижалари келтирилган.

Тадқиқот олиб борилган болаларда тиш кариеси тарқалишини ўрганиш натижасида 1-расмда келтирилган маълумотлар олинди.

Бухоро ва Навоий вилоятларида яшовчи барча болалар орасида кариес тарқалиши ўртача 94% ни ташкил қилди ва юқори даражада эканлиги аниқланди. Вилоятлар кесимида, жинсидан қатъи назар, барча болалар орасида тиш кариеси тарқалиш даражаси юқори бўлиб, I(A) гуруҳда – 95%, I(B) – 96%, II(A) – 97% ва II(B) гуруҳда – 89% ни ташкил этди.



1-расм. Бухоро ва Навоий вилоятларида яшовчи болаларда тиш кариеси тарқалиши.

Кейинги ўрганилган кўрсаткич кариес интенсивлик даражаси бўлиб, ушбу индекс натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Бухоро ва Навоий вилоятларида яшовчи болалар учун тиш кариеси интенсивлик даражаси индекси кўрсаткичлари

КПУ+кп (балл)	I (A) гуруҳ (n=42)		II (A) гуруҳ (n=53)		I (B) гуруҳ (n=61)		II (B) гуруҳ (n=54)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
0-1,1	0	0	1	1,89	3	4,92	3	5,55
1,2-2,6	11	26,2	14	26,4	13	21,3	12	22,2
2,7-4,4	21	50	25	47,2	23	37,7	24	44,4
4,5-6,5	6	14,3	10	18,9	16	26,2	11	20,4
6,6	3	7,14	2	3,77	5	8,19	1	1,85

Ўрганилган болаларда кариес интенсивлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, I (A) гуруҳдаги болаларда кариес интенсивлигининг энг паст 11 (26,2%) ва ўртача 21 (50%) индекси қайд этилди. II (A) – 1(1,89%) ва II (B) - 3(5,55%) гуруҳ болаларида кариеснинг энг паст интенсивлиги аниқланди. I (B) гуруҳ болаларида эса кариес интенсивлиги индекси ўртача – 23 (37,7%) ва юқори – 16 (26,2%) эканлиги кузатилди.

Кейинги кўрсаткич Грин-Вермиллион индекси бўлиб, у тишдаги пиллакча ва тош миқдорини алоҳида баҳолаш имконини беради, натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

**Бухоро ва Навоий вилоятларида яшовчи болалар учун ОНІ-S
кўрсаткичлари**

ОНІ-S (балл)	I (A) гуруҳ (n=42)		II (A) гуруҳ (n=53)		I (B) гуруҳ (n=61)		II (B) гуруҳ (n=54)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
0,6	0	0	0	0	0	0	0	0
0,7-1,6	5	11,9	10	18,9	9	14,8	6	11,1
1,7-2,5	27	64,3	23	43,4	28	45,9	34	62,9
2,6	10	23,8	20	37,7	24	39,3	14	25,9

Жинси ва яшаш жойидан қатъий назар, тадқиқот давомида ўрганилган барча болаларда гигиенага риоя қилиши даражаси яхши бўлмаган. I (A) гуруҳдаги болаларда гигиена қониқарли эди – 10 (18,9%), бу II (A) гуруҳдаги болаларга қараганда 2 баравар кўп - 5 (11,9%). II (C) гуруҳ – 34 (62,9%) ва I (C) гуруҳдаги – 28 (45,9%) болалар қониқарсиз гигиена сифати қайд этилди. II (A) – 20 (37,7%) ва I (B) – 24 (39,3%) гуруҳ болалари гигиена сифати пастлиги аниқланди.

Бинобарин, ўрганилаётган болаларда пародонт тўқималарининг ҳолатини аниқлаш зарурати туғилди (4-жадвал.).

4-жадвал

**Бухоро ва Навоий вилоятларида яшовчи болаларда пародонт тўқималар
ҳолатини баҳолаш индекси**

РМА (%)	I (A) гуруҳ (n=42)		II (A) гуруҳ (n=53)		I (B) гуруҳ (n=61)		II (B) гуруҳ (n=54)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
30% гача	1	2,38	3	5,66	1	1,64	3	5,56
31-60%	34	80,9	36	67,9	45	73,8	39	53,7
61%	7	16,7	14	26,4	15	24,6	12	22,2

Милкдарда яллиғланиш даражаси ўрганилганда қўйидаги натижалар олинди: II(A) 3 (5.66%) ва II (B) – 3(5.56%) гуруҳдаги болаларда гингивит даражаси қолган гуруҳларга нисбатан паст эди. I (B) гуруҳдаги болаларда 45 (73,8%) ўртача гингивит даражаси қайд этилди. I (A) - 7 (16,7%) гуруҳдагиларда гингивит даражаси I (B) гуруҳга нисбатан 2,14 марта кам– 15 (24,6%) эканлиги аниқланди.

Юқори ва пастки жағнинг доимий тишлари чиқиш вақтининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун жами 210 нафар мактаб ёшидаги болалар, шу жумладан Бухоро вилоятида яшовчи 103 нафар ва Навоий вилоятида яшовчи 107 нафар болалар текширилди. Шуни қайд этиш жоизки, текширилаётган болаларнинг ёши 5 дан 15 ёшгача, Бухоро вилоятида яшовчи болаларнинг ўртача ёши $11,5 \pm 0,27$, Навоий вилоятида эса $10,8 \pm 0,25$ ёшни ташкил этди.

Доимий тишнинг чиқиш мезони унинг ҳар қандай қисмининг тиш шиллик қавати устида – тиш тожининг кесувчи қирраси, бир ёки бир нечта чайнов юзаларининг пайдо бўлиши деб ҳисобланди.

Бухоро вилояти болаларида доимий тишларнинг чиқиш вақти 5-жадвалда келтирилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, доимий тишларнинг чиқиш даври 8 йилни ташкил этади ва фаол чиқишнинг икки босқичини, биринчи босқич 5 ёшдан 8 ёшгача ва иккинчи босқич 10 ёшдан 13 ёшгача ва нисбий дам олишнинг икки даврини ўз ичига олади. Ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам доимий тишларнинг чиқиши 5 ёшида марказий ва биринчи тишлар билан чиқиши билан бошланади ва деярли 8 ёшга келиб тугайди. ЁН тишлар ва биринчи премолярлар кейинги 6 ва 8 ёшда чиқа бошлайди ва мос равишда 8 ва 12 ёшда тугайди. Молярларнинг чиқиши биринчи навбатда жағларнинг ўсишига боғлиқ. Иккинчи молярлар ва премялар охириги бўлиб ёриб чиқади, шунингдек, қозиқ тишлар 9 ёшдан бошлаб чиқиб, 12-13 ёшда тугайди. Тиш чиқиш жараёни одатда ўғил ва қизлар учун бир хил 13 ёшида барча доимий тишларнинг чиқиши тугайди ва ниҳоят 14 ёшга келиб болаларнинг 100 % ида учинчи молярлардан ташқари барча доимий тишлар чиққан бўлади.

5-жадвал

Бухоро вилоятидаги болаларда доимий тишларнинг чиқиш вақтлари

Тишлар	юқори жағ		пастки жағ	
	I(A) гуруҳ	I(B) гуруҳ	I(A) гуруҳ	I(B) гуруҳ
Марказий тишлар	6,86±0,26	6,82±0,23	5,8±0,25	5,69±0,18
Ён тишлар	6,67±0,24	6,28±0,23	6,5±0,27	6,45±0,24
Қозиқ	10,5±0,33	10,8±0,26	10,4±0,34	10,3±0,27
1- премолярлар	10,5±0,33	10,6±0,26	10,3±0,31	10,6±0,26
2- премолярлар	11,2±0,34	11,1±0,28	10,9±0,36	11,1±0,28
1-молярлар	6,4±0,31	6±0,21	6,1±0,28	5,89±0,19
2-молярлар	11,5±0,31	11,7±0,22	11,7±0,3	11,7±0,23

*Изоҳ-** гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончлилиги ($p > 0,02$).

Доимий тишларнинг чиқишидаги фарқларни аниқлаш учун Навоий вилояти болалари ҳам ўрганилди, олинган натижалари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Навоий вилоятидаги болаларда доимий тишларнинг чиқиш вақтлари

Тишлар	Юқори жағ		Пастки жағ	
	II(A) гуруҳ	II(B) гуруҳ	II(A) гуруҳ	II(B) гуруҳ
Марказий тишлар	7,46±0,16	7,33±0,29	6,09±0,25	5,67±0,19
Ён тишлар	7,44±0,24	6,56±0,29	7,27±0,24	6,67±0,27
Қозиқ тишлар	10,8±0,29	11,3±0,27	10,5±0,34	10,2±0,26
1-премолярлар	10,7±0,28	10,6±0,29	10,6±0,28	10,6±0,29
2-премолярлар	11,3±0,27	11,1±0,31	11,3±0,28	11,2±0,28
1-молярлар	6,62±0,29	6,17±0,26	6,17±0,21	5,8±0,2
2-молярлар	11,7±0,29	12,1±0,19	11,5±0,29	11,8±0,24

*Изоҳ-** гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончлилиги ($p > 0,02$).

Бизнинг маълумотларимизга кўра, Навои вилоятидаги ўғил ва қиз болаларда доимий тишларнинг чиқиши 5 ёшдан бошлаб пастки жағнинг марказий тишлари ва юқори ва пастки жағнинг биринчи тишларнинг чиқиши билан бошланади ва деярли 7 ёшга келиб тугайди. Юқори жағнинг марказий тишлари, ён тишлари ва юқори ва пастки жағнинг биринчи премолярлари 7 ва 8 ёшда ёриб чиқа бошлайди ва мос равишда 9-12 ёшда тугайди. Молярларнинг чиқиши биринчи навбатда жағларнинг ўсишига боғлиқ. Иккинчи молярлар ва премолярлар охириги бўлиб милкни ёриб чиқади, шунингдек, қозиқ тишлар 10 ёшдан чиқишни бошлаб, 13-14 ёшга келиб тугайди. Тишларнинг ёриб чиқиш жараёни одатда ўғил болалар ва қизлар учун бир хил. 14 ёшга келиб, барча доимий тишларнинг чиқиши тугайди ва ниҳоят 15 ёшда, учинчи молярлардан ташқари болаларнинг 100% и барча доимий тишларга эга бўлади.

Навоий вилоятида яшовчи ўғил-қизлар ўртасида қиёсий тадқиқот ўтказилганда, пастки жағдаги доимий тишларининг тўлиқ комплексининг чиқишида фарқлар аниқланди. Ўғил болаларда доимий тишларнинг тўлиқ коиплекси 12 ёшдан 13 ёшгача, қизларда эса 12 ёшдан 14 ёшгача шаклланган.

I (A) гуруҳ болаларида тиш чиқишдан кейин интакт эмалнинг ривожланишини ўрганиш натижалари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

I (A) гуруҳдаги ($M \pm m$) (мкА) болаларда доимий тишлар минераллашувининг электрометрик кўрсаткичлари

Дастлабки кўрик				
Тишлар	Дўмбоқча/ кесувчи қисм	Фиссура	Экватор	Танглай/ тил юзаси
11	4,5±0,1		5,16±0,14	5,38±0,12
31	3,95±0,12		5,24±0,21	5,24±0,21
12	5,13±0,14		6,08±0,17	6,39±0,15
32	4,42±0,1		5,29±0,2	5,29±0,2
13	7,29±0,19		7,59±0,23	7,47±0,15
33	5,94±0,16		7,59±0,15	7,29±0,14
14	7,32±0,11	15,6±0,12	8,11±0,11	8,26±0,17
34	7,6±0,13	14,1±0,14	8,4±0,15	8,4±0,15
15	7,29±0,14	16,1±0,14	7,82±0,15	7,82±0,15
35	6,71±0,19	14,5±0,13	7,47±0,13	7,88±0,17
16	6,19±0,13	13,6±0,38	6,69±0,18	6,81±0,19
36	5,14±0,13	12,2±0,32	5,86±0,19	5,93±0,19
17	8,82±0,18	16,6±0,24	9,18±0,12	9,82±0,12
37	8±0,14	15,5±0,13	8,47±0,13	8,8±0,11

Иккинчи кўрик				
Тишлар	Дўмбоқча/ кесувчи қисм	Фиссура	Экватор	Танглай/ тил юзаси
11	3,83±0,19		4,67±0,16	4,72±0,16
31	3,43±0,14		4,17±0,14	4,17±0,14
12	4,63±0,18		5±0,16	5,39±0,14
32	3,69±0,16		4,26±0,11	4,36±0,15
13	6,15±0,2		7,08±0,12	6,7±0,19
33	5,52±0,16		6,96±0,2	6,56±0,22
14	6,52±0,17	14,6±0,23	7,55±0,2	7,41±0,21
34	7±0,19	13,2±0,2	7,64±0,15	7,64±0,15
15	6,69±0,22	15,1±0,25	7,38±0,26	7,23±0,2
35	5,84±0,19	14±0,25	6,84±0,2	7,54±0,17
16	5,5±0,14	13,3±0,39	15,8±0,1	5,8±0,12
36	4,45±0,15	12,1±0,32	4,85±0,16	4,9±0,16
17	7,81±0,24	15,8±0,24	8,38±0,29	8,85±0,22
37	7,14±0,22	15,2±0,22	7,81±0,19	8,38±0,17

*Изоҳ-** гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончлилиги ($p > 0,02$).

7-жадвалдаги маълумотларга кўра I (А) гуруҳида юқори ва пастки жағнинг варказий кесувчи қирралари соҳасида эмалнинг етилиши анча тез содир бўлади. Шундай қилиб, у тиш чиқишидан сўнг дарҳол амалга ошади. Бу соҳадаги электр ўтказувчанлиги қаттиқ тўқималарда 11 ва 31 тишларда кўрсаткичлар $4,5±0,1$ и $3,95±0,12$ мкА, олти ойдан сўнг 1,17, ва 1,15 мартага камайиб $3,83±0,19$, $3,43±0,14$ мкА ни ташкил этди.

Экватор ва танглай юзаларида минераллашувининг динамикасида энг яхши кўрсаткич пастки жағнинг марказий тишларида кузатилди. Экватор ва Танглай юзаларининг минераллашув маълумотларини ўрганишда статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмади. Биринчи кўрикда қаттиқ эмал тўқималарининг электр ўтказувчанлиги $5,29±0,2$ мкА ни, олти ойдан кейин ушбу кўрсаткич 1,24 марта камайиб, $4,26±0,11$ мкА ни ташкил этди. Юқори жағнинг биринчи молярларининг фиссурасида эмалнинг етилиш жараёни секин давом этади. Тиш чиқгандан кейин қаттиқ тўқималарнинг электр ўтказувчанлиги $13,6±0,38$ мкА га, олти ойдан кейин эса 1,02 марта камайиб, $13,3±0,39$ мкА га етди.

I (В) гуруҳдаги болалар доимий тишларининг минераллашув жараёнини динамикада кузатиш натижалари 8-жадвалда келтирилган.

**I (B) гуруҳдаги (M±m) (мкА) болаларда доимий тишлар
минераллашувининг электрометрик кўрсаткичлари**

Дастлабки кўрик				
Тишлар	Дўмбоқча/кесувчи қисм	Фиссура	Экватор	Танглай/тил юзаси
11	4,37±0,1		5,25±0,11	4,37±0,1
31	3,93±0,1		5,1±0,14	5,17±0,14
12	5,35±0,1		5,75±0,11	6,22±0,1
32	4,52±0,7		5,16±0,11	4,98±0,15
13	7,02±0,13		7,47±0,1	7,36±0,1
33	5,74±0,11		7,23±0,15	7,07±0,15
14	7,14±0,1	15,4±0,11	8±0,16	8±0,13
34	7,46±0,12	13,8±0,1	8,49±0,1	8,49±0,1
15	7,42±0,1	15,8±0,1	7,77±0,1	7,65±0,1
35	6,67±0,12	14,6±0,1	7,33±0,11	7,75±0,1
16	6,14±0,11	14,2±0,26	6,71±0,14	6,88±0,15
36	5,03±0,1	12,6±0,22	5,65±0,12	5,7±0,12
17	8,66±0,1	16,6±0,1	9,41±0,13	9,69±0,11
37	7,91±0,1	15,3±0,1	8,55±0,1	9±0,12
Иккинчи кўрик				
Тишлар	Дўмбоқча/кесувчи қисм	Фиссура	Экватор	Танглай/тил юзаси
11	3,74±0,13		4,57±0,13	4,98±0,14
31	3,38±0,12		4,23±0,12	4,23±0,12
12	4,7±0,15		4,98±0,16	5,18±0,14
32	3,97±0,12		4,37±0,13	4,33±0,1
13	6,33±0,23		7,17±0,21	6,92±0,21
33	5,54±0,16		6,93±0,19	6,79±0,19
14	6,41±0,18	15,1±0,18	7,79±0,21	7,86±0,1
34	7,16±0,18	13,4±0,16	7,42±0,19	7,42±0,19
15	7,04±0,23	15,4±0,18	7,52±0,21	7,68±0,15
35	5,86±0,14	13,9±0,24	6,86±0,19	7,27±0,18
16	5,5±0,12	12,5±0,35	5,85±0,1	6±0,12
36	4,5±0,16	11,5±0,32	5,23±0,13	5,18±0,13
17	7,56±0,2	15,7±0,18	8,44±0,31	8,33±0,37
37	7,55±0,23	15,1±0,22	8,18±0,13	8,46±0,18

*Изоҳ-** гуруҳлар ўртасида фарқлар шишончилиги ($p > 0,02$).

I (B) гуруҳидаги болаларда 17 тиш дўмбоқчаларининг кўрсаткичлари $8,66 \pm 0,1$ мкА бўлиб, олти ойдан кейин электрометрик кўрсаткичлар $7,56 \pm 0,2$ мкА га тенг бўлди ва бунда уларнинг 1,15 марта яхшиланганлигини кўрсатади. Биринчи текширувда экватор ва танглай юзаси минераллашуви $9,41 \pm 0,13$ мкА ва $9,69 \pm 0,11$ ни ташкил этди ва иккинчи текширувда бу кўрсаткичлар $8,44 \pm 0,31$ мкА и $8,33 \pm 0,37$ мкА мкА га камайди, яъни улар 1,11 ва 1,16 марта яхшиланди. Юқори жағнинг иккинчи моляр фиссураси электрометрик параметрлари $16,6 \pm 0,1$ мкА тенг эканлиги аниқланди. 6 ойдан кейин бу кўрсаткичлар $15,7 \pm 0,18$ мкА ва дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 1,06 баравар яхшиланганлиги кузатилди.

Пастки жағ иккинчи моляр тиш дўмбоғининг электр ўтказувчанлиги $7,91 \pm 0,1$ мкА ни ташкил этди ва иккинчи текширувда 1,05 марта яхшиланиш, яъни $7,55 \pm 0,23$ мкА га пасайиш аниқланди. Минераллашув динамикаси ҳамда экватор ва танглай юзаларидан олинган маълумотларнинг кўрсатишича биринчи текширувда электрометрик кўрсаткичлар $8,55 \pm 0,1$ мкА и $9 \pm 0,12$ мкА, олти ойдан кейин 1,05 мартага ошиб $8,18 \pm 0,13$ мкА и $8,46 \pm 0,18$ мкА га етди. I (B) гуруҳ болаларида фиссуранинг электр ўтказувчанлиги $15,3 \pm 1$ мкА ни, иккинчи кўрикда $15,1 \pm 0,22$ мкА га пасайди. Шуни таъкидлаш керакки, I (B) гуруҳидаги болаларда пастки жағида жойлашган доимий тишларининг минерализация кўрсаткичлари юқори жағ тишларига қараганда ёмонроқ ҳисобланади.

II (A) гуруҳдаги болалар доимий тишлари минераллашуви бўйича электрометрик маълумотлар 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

II (A) гуруҳдаги болалар доимий тишларининг электрометрик маълумотлари ($M \pm m$) (мкА)

Дастлабки кўрик				
Тишлар	Дўмбоқча/кесувчи қисм	Фиссура	Экватор	Танглай/тил юзаси
11	$4,49 \pm 0,1$		$5,27 \pm 0,13$	$5,42 \pm 0,13$
31	$4,08 \pm 0,1$		$5,25 \pm 0,15$	$5,29 \pm 0,16$
12	$5,37 \pm 0,13$		$5,92 \pm 0,12$	$6,02 \pm 0,13$
32	$4,55 \pm 0,12$		$4,89 \pm 0,11$	$4,89 \pm 0,14$
13	$6,84 \pm 0,16$		$7,52 \pm 0,13$	$7,36 \pm 0,15$
33	$6 \pm 0,14$		$7,35 \pm 0,12$	$7,14 \pm 0,13$
14	$7,29 \pm 0,1$	$15,5 \pm 0,1$	$8,07 \pm 0,15$	$8,09 \pm 0,14$
34	$7,63 \pm 0,14$	$13,9 \pm 0,11$	$8,63 \pm 0,13$	$8,63 \pm 0,13$
15	$7,38 \pm 0,1$	$15,8 \pm 0,1$	$8 \pm 0,1$	$7,86 \pm 0,12$
35	$6,47 \pm 0,12$	$14,5 \pm 0,12$	$7,43 \pm 0,1$	$7,7 \pm 0,11$
16	$6,32 \pm 0,11$	$13,9 \pm 0,34$	$6,85 \pm 0,11$	$6,96 \pm 0,12$
36	$5,04 \pm 0,1$	$12,5 \pm 0,27$	$5,74 \pm 0,13$	$5,81 \pm 0,15$
17	$8,78 \pm 0,13$	$16,9 \pm 0,1$	$9,33 \pm 0,11$	$9,78 \pm 0,13$
37	$7,96 \pm 0,1$	$15,5 \pm 0,1$	$8,75 \pm 0,11$	$8,96 \pm 0,1$

Иккинчи кўрик				
Тишлар	Дўмбоқча/кесувчи қисм	Фиссура	Экватор	Танглай/тил юзаси
11	3,91±0,11		4,64±0,14	4,86±0,15
31	3,61±0,12		4,14±0,12	4,18±0,11
12	4,98±0,15		5,07±0,15	5,69±0,11
32	4,02±0,23		4,57±0,13	4,48±0,13
13	6,47±0,18		6,87±0,18	6,87±0,18
33	5,54±0,23		6,85±0,23	6,54±0,21
14	6,58±0,17	14,9±0,2	7,36±0,19	7,55±0,18
34	7,33±0,17	13,6±0,14	7,46±0,16	7,52±0,15
15	6,59±0,23	15,5±0,17	7,26±0,19	7,19±0,19
35	5,86±0,17	13,8±0,18	6,76±0,18	7,17±0,19
16	5,63±0,14	13,8±0,24	5,88±0,12	5,88±0,12
36	4,69±0,15	12,1±0,27	4,89±0,14	5,31±0,13
17	7,62±0,18	15,7±0,16	8,48±0,27	9,24±0,22
37	7,85±0,11	14,5±0,24	7,85±0,15	8,31±0,18

*Изоҳ-** гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончилиги ($p > 0,02$).

Тадқиқот давомида II - (A) гуруҳ болаларида тиш дўмбоқчасининг энг яхши динамикаси юқори жағнинг марказий тишларида кузатилди. Биринчи кўрикда 31 тишнинг дўмбоқчасининг электр ўтказувчанлиги ўртача $4,08 \pm 0,1$ мкА ташкил этди. Олти ойдан сўнг ушбу кўрсаткич $1,13$ баравар камайди ва $3,61 \pm 0,12$ мкА га етди. Юқори жағнинг иккинчи моляр тишларида, чиқишдан сўнг дарҳол дўмбоқчаннинг электр ўтказувчанлиги ўртача $8,78 \pm 0,13$ мкА ни ташкил этди. Олти ой ўтгач, бу кўрсаткич $1,15$ бараварга яхшиланди. II (A) гуруҳ болаларида экватор соҳасида юқори жағнинг ён тишларида қаттиқ тўқималарнинг электр ўтказувчанлигининг энг яхши даражаси кузатилди. Биринчи кўрикда бу кўрсаткич ўртача $5,92 \pm 0,12$ мкА ни ташкил этди. Олти ойдан кейин ушбу кўрсаткич $5,07 \pm 0,15$ мкА га камайди. Бу эса $1,17$ баравар яхшиланишнинг англатади. Юқори жағнинг иккинчи моляри экватор соҳасида минераллашувининг энг ёмон даражаси аниқланди. Шундай қилиб, тиш чиқишидан сўнг дарҳол қаттиқ тўқималарнинг электр ўтказувчанлиги ўртача $9,33 \pm 0,11$ мкА га, иккинчи кўрикда эса бу қиймат $1,1$ бараварга камайди.

II - (B) гуруҳ болаларда тиш чиқишидан кейин эмалнинг тўлиқ ривожланишини ўрганиш натижалари 10-жадвалда келтирилган.

Дастлабки кўрикда 17-тиш дўмбоқчаси кўрсаткичлари ўртача $8,7 \pm 0,13$ мкА ни, олти ойдан кейин электрометрик маълумотлар $1,15$ мартага яхшиланиб $7,58 \pm 0,19$ мкА га етди. Биринчи кўрикдада экватор ва танглай юзаларининг минераллашуви $9,5 \pm 0,12$ мкА ва $9,55 \pm 0,11$ мкА ни, иккинчи кўрикда эса $1,06$ ва $1,11$ марта яхшиланиб, $8,95 \pm 0,28$ мкА ва $8,63 \pm 0,22$ мкА га етди. Юқори жағнинг иккинчи моляр тиш фиссурасининг электрометрик параметрлари $16,3 \pm 0,46$ мкА ни, оли ойдан кейин ушбу кўрсаткичлар $15,5 \pm 0,26$ мкА ни ташкил этди.

Юқори жағнинг иккинчи премоляр тишлар дўмбоқчаларининг электр ўтказувчанлиги $7,52 \pm 0,12$ мкА ни, иккинчи кўрикда эса $1,17$ мартага яхшиланиб

6,41±0,21 мкА га камайди. Минераллашув динамикасига ҳамда экватор ва танглай юзаларидан олинган маълумотлар кўрсатишича биринчи кўрикда элестрометрик параметрлар ўртача 7,93±0,12 мкА ва 7,7±0,14 мкА, олти ойдан кейин улар 1,03 мартага яхшиланиб 6,97±0,19 мкА и 7,17±0,19 мкА ни ташкил этди.

10-жадвал

II (B) гуруҳдаги болалар доимий тишларининг элестрометрик маълумотлари (M±m) (мкА)

Дастлабки кўрик				
Тишлар	Дўмбоқча/кесувчи қисм	Фиссура	Экватор	Танглай/тил юзаси
11	4,39±0,1		5,24±0,13	5,37±0,12
31	4,02±0,11		5,09±0,14	5,06±0,14
12	5,31±0,11		5,82±0,13	6,06±0,12
32	4,56±0,1		4,96±0,13	5,1±0,15
13	7,04±0,15		7,54±0,16	7,5±0,15
33	5,75±0,12		7,46±0,11	7,14±0,14
14	7,3±0,1	15,3±0,1	8,23±0,13	8,27±0,12
34	7,55±0,13	14,03±0,1	8,36±0,1	8,36±0,1
15	7,52±0,12	16±0,1	7,93±0,12	7,7±0,14
35	6,39±0,11	14,4±0,1	7,39±0,11	7,69±0,11
16	6,32±0,1	14,3±0,33	6,7±0,1	6,86±0,1
36	5,28±0,1	12,6±0,28	5,71±0,13	5,77±0,13
17	8,7±0,13	16,3±0,46	9,5±0,12	9,55±0,11
37	7,92±0,12	15,6±0,13	8,75±0,11	8,83±0,12
Иккинчи кўрик				
Тишлар	Дўмбоқча/кесувчи қисм	Фиссура	Экватор	Танглай/тил юзаси
11	3,98±0,12		4,67±0,17	4,67±0,18
31	3,43±0,13		4,19±0,11	4,11±0,1
12	4,59±0,14		5,02±0,15	5,29±0,15
32	4±0,1		4,47±0,13	4,29±0,11
13	6,15±0,19		6,85±0,19	6,54±0,18
33	5,39±0,22		6,92±0,19	6,46±0,17
14	6,41±0,15	14,7±0,25	7,45±0,17	7,52±0,21
34	0,23±0,19	13,6±0,15	7,27±0,23	7,4±0,22
15	6,41±0,21	14,9±0,29	6,97±0,19	7,17±0,19
35	5,67±0,22	13,9±0,13	6,73±0,23	7,33±0,18
16	5,48±0,16	13,3±0,3	5,82±0,13	5,78±0,13
36	4,26±0,14	11,9±0,29	4,93±0,14	5,19±0,14
17	7,58±0,19	15,5±0,26	8,95±0,28	8,63±0,22
37	7,44±0,19	14,8±0,22	7,85±0,1	8±0,11

*Изоҳ-** гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончилиги ($p > 0,02$).

Диссертациянинг «Фторлакнинг стоматологик статус динамикасига ва мактаб ёшидаги болаларда доимий тишларнинг минераллашувига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида минераллашув вақти ва тиш

саломатлиги бўйича кариес профилактик чора-тадбирлар мажмуаси самарадорлиги натижалари динамикаси ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Бухоро вилояти ўғил болаларида интакт эмалнинг етилишининг қиёсий таҳлили 11-жадвалда келтирилган.

Тадқиқот натижалари кўра биринчи кўриқда марказий кесувчи тишларнинг минераллашув даражаси $2,67 \pm 0,19$ мкА дан $3,23 \pm 0,28$ мкА га қадар бўлган, ўн икки ойдан кейин асосий гуруҳдаги болаларда бу кўрсаткич 0 мкА га, назорат гуруҳида эса $-1,75 \pm 0,37$ мкА ва $0,75 \pm 0,2$ мкА ни ташкил этди. Экватор зонасидаги электр ўтказувчанлик $3,23 \pm 0,43$ мкА дан $3,69 \pm 0,31$ мкА гача ва I (A) асосий гуруҳидаги эмалнинг электр ўтказувчанлиги 0 мкА ва I (A) назорат гуруҳида 11 ва 31 тишларнинг минераллашув даражаси $1,42 \pm 0,37$ мкА ва $1,25 \pm 0,26$ мкА эканлиги аниқланди.

